



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Баходиров

СамДУ Каттақўрғон филиали
рақамли технологиялар ва бухгалтерия
ҳисоби кафедраси ассистенти

Д.Исматуллаев

СамДУ Каттақўрғон филиали
бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим
йўналиши бх-21-10 гуруҳ талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10102565>

Аннотация. Мазкур мақолада қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳолати, ривожланиш тенденциялари ёритилган. Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар комплексидан келиб чиққан ҳолда маиший хизмат кўрсатишнинг муҳим йўналишлари таклиф қилинган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, маиший хизмат, пуллик хизматлар, оммабоп хизматлар.

Хизматлар соҳасининг аҳоли турмуш даражасининг ошишида ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ахамияти улкан ҳисобланади. Хизматлар соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бу маиший хизмат кўрсатиш бўлиб бугунги кунда пуллик хизматларнинг ажралмаси таркибий қисми ва иқтисодий фаолиятнинг мувоффақиятли йўналишларидан ҳисобланади. Маиший хизматлар деб одатда аҳолининг кундалик турмуш тарзида вужудга келадиган эҳтиёжлар бўлиб, уларни истеъмол қилиш зарурий ҳисобланмайди. Аммо улар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг айрим турмуш юмушларидан ҳолос этиш ва бошқа зарур муаммоларни ҳал этиш учун бўш вақтини таъминлаш имконини беради.

Маиший хизматлар- турмушда ишлатилиб келинаётган моддий буюмларнинг маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ёки тиклашга қаратилган жонли меҳнатдир. Шунингдек, кишиларнинг физиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш орқали уларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятини оширишга қаратилган фаолият тури ҳамдир. Маиший хизматларга бўлган турлича ёндашувлар



унинг алохида фаолият тури сифатида қарашга сабаб бўлади¹. Бугунги кунда мамлакатимиз ЯИМ да хизматлар улуши 39,2% ни ташкил этади. Хизматлар улушида эса маиший хизматлар 21.6%ни ташкил этади. Маиший хизматлар турлари 900 га яқин бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитининг ўзгариши, турмуш даражаси ва фаровонлигининг ошишига боғлиқ ҳолда узлуксиз янгиланиб ва ўзгариб боради. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб боришини таъминловчи асосий омиллардан бири бу аҳолининг ушбу хизматларга бўлган талабининг ошиб боришидир.

Маиший хизматларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти унинг қуйидаги вазифаларида намоён бўлади:

– меҳнат самарадорлигининг ошишига таъсир кўрсатиши ва қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва агровервиснинг саноатлашувига таъсири;

– аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансини таъминлайди;

– аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уларнинг бўш вақтларида амалга ошириш имконияти борлиги.

– меҳнат воситалари ва маиший буюмларнинг махсулдорлигини оширишга, шахслар, жамоа ва гуруҳларнинг турмуш фаровонлигини оширишга тўғридан-тўғри йўналтирилганлиги;

– маиший хизматларнинг воситачилар иштирокисиз сотилиш хусусияти;

– маиший хизматларнинг турли корхоналар томонидан турлича хусусиятда ва турлича меҳнат жараёни, технологик жараёнлари билан ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлиги;

– маиший хизмат кўрсатишда шахсий ва уй шароитидан фойдаланиш имкониятининг кенглиги;

– истеъмолчига яқинлиги ва максимал даражада хизматлар турларини таклиф этиши маҳаллий даражада ташкил этиш имкониятини янада оширади;

– моддий ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш фондлари ва капиталга кам эҳтиёж сезиши.

Маиший хизматлар кўрсатишни ташкил этиш натижасида аҳолининг ушбу хизматларга бўлган талаби тўлиқ қондирилади, уй хўжаликларининг меҳнат сарфини янада камайтиришга эришилади,

¹ Демчук Ольга Николаевна. Влияние человеческого фактора на эффективность деятельности предприятий сферы услуг : автореф. дис. ... канд. экон. наук. 2004 г. <http://economuch.com>.



моддий меҳнат ва маиший жихозларнинг қийматликларнинг истеъмол қийматини ошириш ва қайта тиклаш имконияти янада ошади. Шунингдек маиший хизматлар:

– жамиятнинг хизмат кўрсатиш маданияти, этикаси ва малакасига бўлган талабини янада оширади ва мижозлар билан коммуникатив алоқаларни янада ривожлантиради;

– кишиларнинг имижини такомиллашувига олиб келади, уларнинг иш қобилияти ва меҳнатдан қониқишини янада оширади;

– Аҳолининг турмуш фаровонлининг янада ошишига шароит яратади;

– Аҳолига қўлай яшаш шароити яратиш, уй меҳнатини оқилона ташкил этиш орқали кишиларнинг дам олиш, хордиқ чиқариш ва интеллектуал меҳнат билан шуғулланишлари, ижтимоий зарур фаолият билан шуғулланиш учун вақт ажратиш имконини беради;

Маиший хизматлар соҳасидаги ижобий ўзгаришларга қарамасдан айрим масалалар ўз ечимини топмасдан қолмоқда. Айниқса қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналарининг камлиги, уй хўжаликлари ва саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилмаганлиги уларда маиший хизматлар кўрсатишнинг етарли даражада ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими ўтказилган иқтисодий ислохотлар натижасида янгича стратегияларни ишлаб чиқиш, соҳа ривожланишини рағбатлантирувчи ва уни қўллаб-қўвватлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий химояга мухтож қатламларига бепул(имтиёзли) кўрсатилган айрим маиший хизмат турларининг бугунги кунда пуллик хизматлар сифатида олиб қаралаётганлиги ушбу соҳага моддий ва молиявий ресурслар жалб этишга зарурати сезмоқда.

Статистик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак 2021 йил якунлари бўйича хизматлар улуши 2020 йилга нисбатан 20,0 % га ўсишга эришди².

Бугунги кунда мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан кенг фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг

²“Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”. Халқ сўзи 2022 йил 27 январ.



ўсиши ва барқарор ривожланишни таъминлайди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда, айниқса қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига янада улкан имкониятлар очиб беради. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда 2,6 минг маиший хизмат кўрсатиш корхоналари очиш режалаштирилган бўлиб, шулардан 1,1 минг таси маиший жихозларни таъмирлаш, пойафзал таъмирлаш, кийим-кечаклар тикиш, автомобил ва бошқа техникаларга хизмат кўрсатишга, 200 таси сарторошхоналар, 21 таси сервис марказлари ва 71 таси кир ювиш корхоналари, 1,1 мингтаси бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридир.

Шунингдек, чора-тадбирлар комплексида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда тадбиркорлик лойиҳаларини таъмирлаш, Вазирлар Маҳкамаси талабларига жавоб берадиган оилавий меҳмон уйларини таъмирлаш учун 50,0 млн.сўмгача кредитлар ажратиш ҳамда қишлоқ аҳолисига, айниқса мебель, электрмаиший ва бошқа уй-рўзғор товарлари учун тақдим этиладиган истеъмол кредитлари ҳажмини ҳамда муддатли тўлов тизимларини кўпайтириш назарда тутилган.

Маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида жойларда махсус дастур ишлаб чиқиш орқали унинг ривожланишини жадаллаштириш имконияти янада ошади. Қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Оммабоп хизмат турларини кенгайтириш орқали маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш. Яъни:

– кундалик эҳтиёждаги маиший хизмат турларини янада кенгайтириш;

– бугунги кунда ўз ахамиятини йўқотиб бораётган айрим маиший хизмат турлари(Аҳолининг поябзал ва чарм буюмлари, маиший техникани таъмирлаш, кимёвий тозалаш, компьютер хизматлари, шунингдек,



сартарошхона ва гўзаллик салонлари каби хизмат кўрсатиш ва сервисдан фойдаланиш имкони)кўрсатувчи корхоналарни замонавий техника ва технология ривожланишини ҳисобга олган ҳолда жихозлаш;

– маиший хизмат кўрсатиш билан банд жисмоний шахсларга зарур асбоб-ускуналарни харид қилишда лизинг ва кредит тизимини жорий этиш;

– маиший хизмат кўрсатишда нарх сиёсатини шакллантириш орқали уларга бўлган талаб ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

2.Аҳолининг ўрта даромадли қатламлари учун маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш. Яъни:

– автомобиллар ижарасини ташкил этиш(тўй маросимлар, байрам тадбирлари учун);

– аҳолига юқори сифатли видео, аудио кузатув аппаратураларини ўрнатиш, рақамли телевидение, компьютер, GPS ва сигнализация хизматларини ташкил этиш;

– уй, дала ховлилар, дўкон ва офислар лойиҳасини тузиш, режалаштириш, ландшафт дизайнини яратиш;

– буюртма асосида маиший хизматлар кўрсатиш;

– дам олиш кунлари кишилар учун турли маиший хизматларни кўрсатиш.

3. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарни ташкил этиш. Яъни:

– мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш;

– аҳоли сони ва турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш корхоналар тузилмасини шакллантириш ва зарур бўлган ҳолларда кўчма хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш;

– қишлоқ жойларда аҳолининг томорқа хўжалиги билан боғлиқ маиши хизмат турларини жорий этиш.

Юқоридаги чора-тадбирлар ва таклиф қилинаётган йўналишларнинг самарали амалга оширилиши, нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқ ва овулларда ҳам анъанавий маиший хизмат турлари билан бир қаторда, замонавий сервис шохобчаларини кўпайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайтириш асосида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкон беради.

Адабиётлар:

1. Демчук Ольга Николаевна. Влияние человеческого фактора на эффективность деятельности предприятий сферы услуг : автореф. дис. ... канд. экон. наук. 2004 г. <http://economuch.com>.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” Қарори. Халқ сўзи 2022 йил 27 январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори, 07.08.2018 йилдаги 631-сон.
4. Ҳ.Аҳмедов. Замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари аҳолига қўшимча қулайликлар яратмоқда. Халқ сўзи газетаси 23 февраль 2016 йил.
5. Ergashevich, M. J. (2021, August). Current Issues of Improving Financial Management Methods in Small Businesses (Case-Study of Samarkand Region). In "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 11-15).
6. Ergashevich, M. J. (2022). INCREASING BUSINESS ACTIVITY IN THE SPHERE OF TOURISM SERVICES. World Economics and Finance Bulletin, 7, 104-106.
7. Ergashevich, Makhmudov J., and Kubaev O. Utkirovich. "The Main Directions for the Development of Household Services of Rural Areas." International Journal on Integrated Education, vol. 5, no. 2, 2022, pp. 223-225.
8. Ergashevich, Makhmudov J., and Kubaev O. Utkirovich. "The Main Directions for the Development of Household Services of Rural Areas." International Journal on Integrated Education, vol. 5, no. 2, 2022, pp. 223-225.

